

ЎУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ИШТИРОКИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Менглиев Фахриддин Валиевич

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар Академиясининг Олий таълимдан кейинги таълим
факультети мустақил изланувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иштирокининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Муаллифнинг фикрича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасида муҳим ваколатларга эга.

Айниқса жиноятларнинг маҳаллий даражадаги сабабларини аниқлаш орқали муҳим натижаларга эришиш мумкин.

Калит сўзлар: маҳаллий давлат ҳокимияти органлари; ҳуқуқбузарлик; жиноят; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси; жиноятларнинг сабаблари; жиноятларнинг шароитлари; жиноятчиликка қарши курашиш; халқ депутатлари кенгашлари.

В ОСУЩЕСТВЛЕНИИ ПРОФИЛАКТИКИ ПРЕСТУПНОСТИ УЧАСТИЕ МЕСТНЫХ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ СВОИ ОСОБЕННОСТИ

Аннотация. В данной статье анализируются особенности участия органов местной государственной власти в осуществлении профилактики преступности.

По мнению автора, органы местного самоуправления обладают важными полномочиями в сфере профилактики преступности.

Важные результаты могут быть достигнуты, прежде всего, путем выявления причин преступлений на местном уровне.

Ключевые слова: органы местного самоуправления; преступление; преступление; предотвращение преступления; причины преступлений; обстоятельства преступлений; борьба с преступностью; Советы народных депутатов.

THE PARTICIPATION OF LOCAL GOVERNMENT AUTHORITIES IN THE IMPLEMENTATION OF CRIME PREVENTION HAS ITS OWN CHARACTERISTICS

Annotation. *This article analyzes the features of the participation of local government bodies in the implementation of crime prevention.*

According to the author, local governments have important powers in the field of crime prevention.

Important results can be achieved, first of all, by identifying the causes of crime at the local level.

Key words: *local governments; crime; crime; crime prevention; causes of crime; circumstances of the crimes; crime control; Councils of People's Deputies.*

Хуқуқбузарликлар профилактикаси давлатнинг жиноятчиликка қарши курашиш бўйича моделининг асосий таркибий элементларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли мазкур фаолиятда давлат органларининг иштирокига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мазкур фаолият моддий иқтисодий неъмат яратиш билан бевосита боғлиқ бўлмаганлиги сабабли давлатларнинг бу борадаги сиёсат ўзгарувчан ва турлича бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат органларининг хуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки бўйича икки хил ёндашув мавжуд:

биринчи ёндашувга кўра, хуқуқбузарликлар профилактикаси хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ижтимоий органларнинг вазифаси ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ички ишлар органлари, прокуратура органлари, Давлат хавфсизлик хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, адлия органлари, давлат божхона хизмати органлари, давлат солиқ хизмати органлари, меҳнат органлари, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг субъектлари ҳисобланади³⁷;

иккинчи ёндашувга кўра, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси барча давлат органларининг вазифаси ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2833-сон қарори билан ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг устувор вазифаси этиб белгиланган³⁸.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки (ўрни) масаласида ҳали илмий академик жамоатчиликда ягона тўхтам мавжуд эмас, шу билан бирга қонунчилик ҳужжатларида ҳам бу борада ягона ёндашувлар шаклланмаган.

С.Б. Хўжақулов маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчи субъектлари тоифасига киритган³⁹. Назаримизда муаллифнинг ушбу ёндашувига қўшилиб бўлмайди. Нега деганда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасида шунчаки четда туриб қатнашадиган “иккинчи даражали” субъектмас, қолаверса бугунги кунда ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий профилактикаси тизими ривожлантирилаётган бир пайтда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасида марказий фигурантлардан бири бўлиб қолмоқда.

Х.Э. Ахмедов эса маҳаллий давлат ҳокимияти органларини маъмурий назорат остидаги шахсларга оид профилактик чора-тадбирларни амалга ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилувчи

³⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/2387357>.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/3141186>

³⁹ Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида) юрид. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Т. 2019. 20.

субъектлар қаторига киритади⁴⁰. Ҳолбуки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари маъмурий назоратни амалга оширишда бевосита иштирок этувчи асосий органлардан бири ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунига кўра маҳаллий Агар жазони ижро этиш муассасасидан озод этилаётган шахснинг маълум сабабларга кўра аниқ турар жойи бўлмаса, жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти унга яшаш жойи билан таъминлаш, доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишга ҳамда ишга жойлашишга ёрдам беришни сўраб, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларни ёки оғир касалликларга чалинган шахсларни даволаш масалаларини олдиндан ҳал қилиш тўғрисида тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, ички ишлар органларига ва соғлиқни сақлаш муассасаларига илтимоснома юборади, шунингдек жазони ижро этиш муассасасидан озод этилаётган шахснинг аниқ яшаш жойи маълум бўлмаган тақдирда, суд унинг озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланишидан олдин яшаган охириги яшаш жойи бўйича маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилади. Назорат остидаги шахснинг яшаш жойи бўлмаган тақдирда, суд маҳаллий давлат ҳокимияти органларига назорат остидаги шахсни турар жой билан таъминлаш чораларини кўриш мажбуриятини юклаш тўғрисида қарор чиқаради⁴¹.

М.З. Зиёдуллаев эса маҳаллий давлат ҳокимияти органларини таянч пунктлари негизда ҳамкорлик қилувчи субъект сифатида талқин қилади⁴². Аммо маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий-техник таъминлашдаги асосий субъектлардан бири эканлигини эътибордан четда қолдиради. Масалан, профилактика инспекторлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти натижалари ҳақида хабардор қилиб бориши лозим, шунингдек таянч пунктлари учун ер

⁴⁰ Ахмедов Х.Э. Маъмурий назорат остидаги шахсларга оид профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш: юрид. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Т. 2022. 20 б.

⁴¹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги қонуни // <https://www.lex.uz/acts/4266602>.

⁴² Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. док. дисс. автореф. – Т. 2019. 23 б.

майдони ва биноларни ажратиш, қурилиш, таъмирлаш ва капитал таъмирлаш, шунингдек мебель билан жиҳозлаш шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади⁴³.

С.С. Шарипов эса туман (шаҳар)лар миқёсида жамоат жойларида ва алоҳида шароитларда шартномавий-ҳуқуқий асосда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланувчи патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини ташкил этишга доир маҳаллий ҳокимликларнинг ваколатларини кенгайтириш лозимлиги юзасидан таклифлар билдиради⁴⁴. Биз ушбу муаллифнинг фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатларини кенгайтириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 10 январь куни мамлакатимиз тинчлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги келгуси вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан “энди ҳокимлар ҳам ҳар куни ўз ҳудудидаги жиноятлар билан боғлиқ вазиятни шахсан муҳокама қилиб бориши, шунингдек, жойлардаги халқ депутатлари кенгашлари жиноятлар билан боғлиқ вазиятни таҳлил қилиб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишга ўз ҳиссасини қўшиши кераклиги” таъкидланган эди. Шу маънода ҳуқуқбузарликлар профилактикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг доимий ва кундалик вазифаси ҳисобланади.

Шу билан бирга жиноятчиликка қарши курашишда, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида барча ҳолларда маҳаллий омиллар ҳисобга олинади ва бу шарт. Ҳар қандай мамлакат ҳудудида ҳам жиноятчиликка қарши курашишда унинг маҳаллий миқёсдаги даражаси ва динамикаси ҳамда сифат таркиби ҳисобга олинади. Қолаверса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси айнан маҳаллий ҳудудлар миқёсида амалга оширилиши йўлга қўйилган. Хусусан,

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2896-сонли [қарори](https://lex.uz/docs/3175732) // <https://lex.uz/docs/3175732>.

⁴⁴ Шарипов С.С. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. бўй. фал. док. (PhD) дисс. автореф. – Т. 2020. 6 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”даги 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон қарори билан секторлар ҳудудидаги барча маҳаллалар криминоген вазиятдан келиб чиқиб, белгиланган тартибда ҳар йили январь ойида “яшил”, “сарик” ва “қизил” тоифаларга ажратилади. Бунда: “яшил” тоифадаги маҳалла — ҳудудида жиноят содир этилмаган маҳалла; “сарик” тоифадаги маҳалла — ҳисобот даврида ҳудудида содир этилган жиноятларнинг ҳар минг аҳоли сонига нисбатан салмоғи туман (шаҳар) кўрсаткичи билан баробар ёки ундан паст бўлган маҳалла ҳамда “қизил” тоифадаги маҳалла — ҳудудида, шу жумладан алоҳида тоифадаги шахслар, яъни вояга етмаганлар, аёллар, ишсизлар, илгари судланганлар, маст ҳолатдаги, профилактик ҳисобда ёки маъмурий назорат остида турувчи шахслар томонидан содир этилган жиноятларнинг ҳар минг аҳоли сонига нисбатан салмоғи туман (шаҳар) кўрсаткичига нисбатан юқори бўлган маҳалла ҳисобланади⁴⁵.

С.Б. Жўжакулов ўз тадқиқотларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси таъриф берар экани ушбу фаолиятни қуйидаги элементларга ажратади: ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид давлат сиёсатини белгилаш; ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга ошириш; ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этиш; ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги йўналишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш⁴⁶. Биз ҳам муаллифнинг ушбу фикридан келиб чиқиб маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштирокини ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг йўналишларини белгилаб берувчи ҳамда уни мувофиқлаштирувчи субъект сифатида тушуниш лозим деб ўйлаймиз.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита иштирок этувчи орган сифатида халқ депутатлари Кенгашларининг гуруҳлари орқали, Вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг бошқарув аппаратлари тузилмасидаги ташкилий-назорат гуруҳи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сон [қарори](https://lex.uz/docs/3302438) // <https://lex.uz/docs/3302438>.

⁴⁶ Хўжакулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: генезеси, назарияси ва амалиёти: юрид. фан. док. дисс. автореф. – Т. 2023. 18 б.

фаолиятини мувофиқлаштирувчи, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи, Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти, юридик хизмат, ахборот-таҳлил гуруҳи, ишлар бошқармаси, ҳоким ўринбосарларининг котибиятлари, туман ҳокимликларида эса ташкилий-назорат гуруҳи, соҳалар бўйича бош ва етакчи мутахассислар ҳамда Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси орқали иштирок этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштирокчи сифатидаги ўрни уларнинг ушбу фаолиятини моддий-техник таъминлашида ўз ифодасини топади. Масалан, юқорида таҳлил қилганимиздек таянч пунктлари учун ер майдони ва биноларни ажратиш, қурилиш, таъмирлаш ва капитал таъмирлаш, шунингдек мебель билан жиҳозлаш шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади⁴⁷.

Бугунги кунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий йўналишларини белгилаб бериш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича фаолиятининг ҳуқуқий табиати аниқ эмас. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 7-моддасига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида эса Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ҳам мувофиқ қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъмин эта бориб, ўз ҳудудларида барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларини мувофиқлаштириб турадилар, ички ишлар органлари, болалар масалалари бўйича комиссиялар ҳамда уларга ҳисобдор маъмурий ҳуқуқбузарлик билан кураш олиб борувчи бошқа органлар фаолиятига раҳбарлик қиладилар⁴⁸. Бироқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича, Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳамда Болалар масалалари бўйича комиссиялар таркибида иштирок

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2896-сонли [қарори](https://lex.uz/docs/3175732) // <https://lex.uz/docs/3175732>.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // <https://lex.uz/docs/97664>.

этмайдилар. Шу билан бирга ички ишлар органлари фаолиятига ҳам раҳбарлик қила олмайдилар. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига, қонунчиликка мувофиқ айрим масалалар бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди⁴⁹.

С.Б. Хўжақулов ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги мақоми аниқ белгиланмаганлиги ҳақида тўхталиб, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 6-бобида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими аниқ шакллантирилганлиги, бироқ иштирок этувчи субъектлар мавҳум қолганлиги, натижада Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қайси гуруҳга мансублигига ойдинлик киритишда мунозарали ҳолат юзага келганлигини таъкидлайди⁵⁰.

Бугунги кунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолияти асосан қуйидаги шаклларда амалга оширилиши белгиланган:

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари:

тегишли прокурорларнинг ҳисоботларини эшитиш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

тегишинча соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

тегишинча ҳудудий адлия бошқармалари ва туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимлари бошлиқларининг ахборотини эшитиш⁵¹.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими:

жамоат тартибига риоя этилиши ва жинойтчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза этиш билан боғлиқ чора-

⁴⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/acts/3027843>.

⁵⁰ Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юрид. фан. бўйич. фалс. докт. дисс. – Т. 2019. б.32.

⁵¹ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/112170#121312>.

тадбирлар кўради, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли ишларни ташкил этади⁵².

Бугунги кунда маҳаллий бошқарувда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бугунги кундаги ҳолати сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

биринчидан, қонунчилик ҳужжатларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид фаолиятининг ҳуқуқий асослари тўла шакланмаган. Бу борада турли қонунчилик ҳужжатларида тарқоқ нормалар белгиланган. Умуман олганда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси институтининг ўзи ҳали тўла шакланмаган бир пайтда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳам бу борадаги фаолияти тўғрисида гапиришга ҳали эрта.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бу борадаги ваколатлари ниҳоятда умумий тарзда белгиланган. Масалан, С.Б. Хўжақулов маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги иштирокини умумий даражада бўлиши тўғрисида тўхталиб улар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг умумижтимоий даражадаги сабаб ва шароитларини аниқлаши тўғрисида сўз юритади⁵³

Шу билан бирга “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари мутлақо белгиланмаган. Ҳолбуки бугунги кунда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи асосий субъектларидан бири маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳисобланади;

иккинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ўрни аниқ белгиланмаган ва бу борадаги айрим ваколатларини амалга оширишнинг аниқ ташкилий ва ҳуқуқий механизмлари яратилмаган. Масалан, С.Б. Хўжақулов маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурлар қайси ҳолатларда ишлаб чиқиш мумкинлиги назарда тутилмаганлигига

⁵² Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/112170#121312>.

⁵³ Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юрид. фан. бўйич. фалс. докт. дисс. – Т. 2019. б. 98.

этибор қаратади⁵⁴. Ушбу муаллифнинг фикрича, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ушбу йўналишдаги дастурларни қўйидаги иккита асос мавжуд бўлган тақдирдагина ишлаб чиқиши мумкинлигининг белгиланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: биринчиси, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастури тасдиқланса, ушбу дастурнинг ижросини таъминлаш мақсадида; иккинчиси, маъмурий ҳудудда ижтимоий-сиёсий вазият мураккаблашганда, шунингдек криминоген вазият оғирлашиб, ҳудуднинг индивидуал хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш зарурати туғилганда⁵⁵.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунга биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бу орадаги ваколатларидан бири сифатида “тегишли ҳудудда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаши” назарда тутилган. Аммо ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид фаолиятни мувофиқлаштирувчи кенгашларнинг ҳудудий бўлинмалари (Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича, Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳамда Болалар масалалари бўйича комиссиялар) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари негизда ташкил этилмаган, қолаверса ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлари ҳамда муассасаларнинг маҳаллий бўлинмалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бўйсунмайди. Бундан ташқари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари негизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлари ҳамда муассасалар маҳаллий бўлинмаларини фаолиятини мувофиқлаштирувчи институционал асослар яратилмаган;

учинчидан, маҳаллий давлат ҳокимиятининг иккита институти: маҳаллий вакилик ва маҳаллий ижро органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари ажратилмаган. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ қонунчилик

⁵⁴ Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юрид. фан. бўйич. фалс. докт. дисс. – Т. 2019. б.116.

⁵⁵ Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юрид. фан. бўйич. фалс. докт. дисс. – 2019. б. Т. 117.

ҳужжатларида “маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари” деб кўрсатилган. Ҳолбуки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари маҳаллий вакиллик ҳамда маҳаллий ижро органларидан иборат бўлиб уларнинг копмитенциялари мутлақо бошқача ҳисобланади. Қолаверса, Конституциянинг янгиланиши муносабати билан ҳокимиятларнинг бўлиниш принципини маҳаллий даражада ташкил этиш, бунда ҳоким ва маҳаллий Кенгаш раиси фаолиятининг бир-биридан холи амалга оширилиши юзасидан қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, маҳаллий вакиллик ва маҳаллий ижро органларининг ваколатларини ажратиш, битта шахснинг ҳам маҳаллий вакиллик ҳам маҳаллий ижро органларининг раҳбари бўлмаслиги тўғрисидаги қоидалар киритилди. Шу сабабли ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида маҳаллий вакиллик ҳамда ижро органларининг ваколатларини ажратиш талаб этилади;

тўртинчидан, маҳаллий вакиллик органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг айрим субъектларининг (тегишли прокурорлар, ИИБ ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари, соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари, ҳудудий адлия бошқармалари ва туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимлари бошлиқларининг) ҳисоботлари ва ахборотларини эшитиш тизими яратилган. Бу маҳаллий вакиллик органлари учун маълум ричакларни тақдим этади. Аммо бу ҳали мувофиқлаштириш дегани эмас.

Мамлакатимиз ва хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, тарихий ривожланишнинг муайян бир босқичида маҳаллий бошқарувни давлатлаштириш тенденцияси кузатилади. Бу даврда давлат анча мустаҳкам куч-қудратга эга бўлиб, маҳаллий ишларнинг бир қисмини ўз зиммасига олади. Бошқа даврларда, давлат нисбатан кучсизланиб, бутун диққат-эътиборини асосий давлат ишларини бажаришга қаратган бир пайтда, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудий, шунингдек, давлатнинг айрим масалаларини ўз зиммасига олиб, куч тўплайди. Ваколатларнинг ушбу асосда тақсимланиши давлатни мустаҳкамлаб, уни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради⁵⁶. Шу муносабат билан номарказлаштириш жараёнини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳам жадал давом эттириш мақсадга мувофиқ. Бунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташкил этиш ҳамда

⁵⁶ Исмаилова Г.С. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини либераллаштиришнинг давлат-ҳуқуқий йўналишлари: юрид. фан. бўйич. фалс. докт. дисс. – Т. 2016. б. 15.

мувофиқлаштириш бўйича ваколатларини кенгайтириб бориш талаб этилади.

Бинобарин, номарказлаштириш принципи турли бошқарув тизимлари учун объектив қонуният ҳисобланади. Хорижий мамлакатларда номарказлаштириш ва деконцентрация, давлат ҳокимияти ҳамда маҳаллий бошқарув органлари ваколатларини қайта тақсимлашни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг ривожланиш назарияси ва амалиёти омиллари ўрганилди⁵⁷;

бешинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти соҳасидаги иштироки асосан ушбу фаолиятни моддий-техник таъминлашга йўналтирилган. Хусусан, Жамоат хавфсизлиги концепциясида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг “жамоат хавфсизлигини бевосита таъминловчи субъектларни моддий-техник таъминлаш, уларнинг ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши”, “Ички ишлар органларининг таянч пунктлари тўғрисида”ги низомга асосан “таянч пунктлари учун ер майдони ва биноларни ажратиш, қурилиш, таъмирлаш ва капитал таъмирлаш, шунингдек мебель билан жиҳозлаш шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши” назарда тутилган. Бироқ бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини моддий ва молиявий таъминлаш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджетдан ташқари маблағлари боғлаб қўйилмоқда. Мазкур амалиётни тўғри деб бўлмайти. Чунки мудоффа, хавфсизлик, жиноятчиликка қарши курашиш сингари давлатчилик ҳамда барқарорлик учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган масалалари аниқ молиявий манбага таяниши керак;

олтинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи аниқ институционал тузилмалари мавжуд эмас. Хусусан халқ депутатлари кенгашларидаги доимий гуруҳларда ҳамда ҳокимликларнинг марказий аппарати структурасида бундай тузилмалар мавжуд эмас. Хусусан, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг бошқарув аппаратлари тузилмасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи, ҳарбий сафарбарлик ва

⁵⁷ Исмаилова Г.С. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини либераллаштиришнинг давлат-ҳуқуқий йўналишлари: юрид. фан. бўйич. фалс. докт. дисс. – Т. 2016. б. 19.

фавқулдада вазиятлар масалалари гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилган. Аммо мазкур гуруҳлар ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича аниқ ваколатларга эга эмас. С.Б. Хўжақулов ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат ёки ҳудудий дастурлардаги чоратадбирлар ижросини таъминлаши, уларнинг таҳлилини олиб бориши, натижалари бўйича ҳисоботлар тайёрлаб, нафақат аҳоли олдида ҳисобот бериш, балки ушбу ҳисоботларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда юқори турувчи органларга тақдим этишига оид тартибнинг аниқ белгиланиши мазкур дастурлар ижроси юзасидан (жамоатчилик, парламент ва раҳбарий) назорат функциясининг самарали амалга оширилишини таъминлайди⁵⁸.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Я.Олламов. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият тизими: ҳуқуқий ва назарий муаммолар: Автореф. дис. канд. юрид. Наук. –Т.: 2001. 27 б.;

2. А.Тўлаганов. Давлат ҳокимиятини вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш. Дарслик. –Т.: “Адолат”, 2002. 194 б.;

3. А.Йўлдошев. Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари: ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини ташкил этиш муаммолари. Юридик ф.н...дисс. – Т. 2004.;

4. Ўзбекистон Республикасининг “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/1521661?query=%D0%BC%D0%B0%D2%B3%D0%B0%D0%B%D0%BB%D0%B8%D0%B9%20%D0%B4%D0%B0%D0%B2%D0%BB%D0%B0%D1%82&exact=1#sr-1>

5. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/4704?query=%D0%BC%D0%B0%D2%B3%D0%B0%D0%BB%D0%BB%D0%B8%D0%B9%20%D0%B4%D0%B0%D0%B2%D0%BB%D0%B0%D1%82&exact=1#sr-1>

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада

⁵⁸ Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юрид. фан. бўйич. фалс. докт. дисс. – 2019. б. Т. 119.

такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3666-сон қарори // <https://lex.uz/docs/3681790>.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3666-сон қарори // <https://lex.uz/docs/3681790>.